

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Ж.А.Толмасов**

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги бизнес ва  
тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси**

Республикамизда фаолият олиб бораётган ҳар қандай банк мамлакат бозор иқтисодиётининг энг муҳим элементи ҳисобланади. Банк тизимининг ривожланиши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ савдо, саноат ва қишлоқ хўжалиги каби турли соҳаларда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлар билан боғлиқ.

Банклар пул маблағларига эҳтиёжи мавжуд бўлган жисмоний ёки юридик шахсга кредит бериш орқали мамлакатда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, истеъмолнинг ривожлантиришга, моддий фаровонликнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатади, чунки кредитлар турли мақсадлар учун, жумладан маиший техника сотиб олишдан бизнесни ривожлантиришга ва корхона ускуналарини модернизациялашга қаратилади.

Тижорат банкининг кредит портфелини шакллантириш кредит сиёсатини амалга оширишнинг асосий босқичи ҳисобланади. Кредит портфелини шакллантириш банкнинг кредит фаолияти умумий мақсади шакллантирилганда, кредит сиёсати стратегияси ишлаб чиқилгандан сўнг бошланади. Кредит сиёсати стратегиясини ишлаб чиққан банкнинг кредит фаолияти асосий мақсадини белгилаб, кредит портфелини шакллантиришга киришиш керак. Ҳозирги вақтда кредит портфелининг ҳолати нафақат банкнинг кредит сиёсати сифатини, балки келгусида кредит фаолияти натижаларини прогноз қилиш имконини ҳам беради.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки тижорат банкининг кредит портфелини шакллантириш жараёнини ўрганиш долзарблиги кундан кунга ошиб бормоқда. Маъмурий-буйруқбозлик шароитида, бошқарув жараёни қатъий кўрсатмалар ва буйруқлар орқали амалга оширилганда кредит портфелининг ҳолатини режалаштириш ва тартибга солиш зарурати йўқ эди. Давлат кредитни қоплай олмаган қарздорларни банклар олдидаги қарзини қоплаган. Натижада, банкнинг кредит портфелида муддати ўтган ва

тўланмаган қарздорлик йўқ бўлган, шунинг учун банк раҳбарияти кредит портфелининг ликвидлигини сақлаб қолишга ҳожат йўқ эди.

Кредит портфели - муайян таркибий тузилмага эга бўлган, ўзига хос бошқарув объекти сифатида кредитлаш йўналишлари бўйича банкнинг даромадлилик, риск, ликвидлик талабларига ҳамда янги иш жойлари ва ялпи маҳсулот яратилишини таъминлаш учун банкнинг кредит сиёсати стратегиясига мувофиқ кредитлаш объектларига йўналтирилган қўйилмалар мажмуидир. Шу асосда оптимал кредит портфелини шакллантиришда кредит сиёсатида назарда тутилган масалаларни самарали ва ишончли кредит қўйилмаларни танлаш йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилиш керак.

Ҳозирги вақтда банкнинг кредит портфелининг шаклланиши ва яхши ташкил этилган кўрсаткичлари тизими, шунингдек самарали кредит портфелини шакллантиришнинг ягона методикаси мавжуд эмас. Ҳар бир тижорат банки мижозларнинг талаби, жойлашган жойи, банкнинг устувор йўналишига ва бошқа омилларга қараб ўз кредит портфелини шакллантириб бормоқда.

Тижорат банклари кредит портфелини шакллантиришнинг бутун жараёнини унга гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ банкнинг кредит сиёсати мақсадлари ва стратегиясига мувофиқ ҳар бир кредит тури бўйича унинг чегарасини, яъни кредит лимитлари тизимини шакллантиришни ҳам ўз ичига олиши керак. Кредит лимитларини белгилаш кредит рискларини бошқариш функциясини амалга оширади. Кредит портфели нафақат даромад манбаи, балки риск манбаи ҳамдир.

Ўз навбатида, кредит тури бўйича чегараси - лимитларини белгилаш - бу рискларни камайтириш ва узоқ муддатли барқарор фаолиятни таъминлаш учун фойдаланиладиган кредит портфелининг шаклланишини назорат қилишнинг асосий усулидир. Кредит лимитларини белгилаш орқали кредит ресурслари кредитларнинг турларини ва таркибини ҳисобга олган ҳолда, кредитларнинг барча турлари бўйича кредитлар миқдори оптималлаштирилади. Бу банкларга қуйидаги имкониятларни беради:

ҳар қандай риск турининг оширишини ва тўлов қобилиятининг йўқолишининг олдини олиш;

рискни камайтириш мақсадида ва барқарор фойда олиш учун кредит портфелини диверсификация қилиш учун жуда муҳим.

Тижорат банклари портфелини шакллантириш кредит фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бўлган диверсификация тамойилига риоя қилиш зарурати билан боғлиқ. Кредит портфелини шакллантирадиган банкнинг мақсади қарз олувчиларнинг кредит талабларини қондириш жараёнида ўз кредит салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Кредит портфелининг диверсификацияси - кредит рискининг бир неча йўналишдаги тақсимланиши, тарқалиши тушунилади. Банклар битта йирик қарз олувчи ёки бир нечта йирик қарз олувчиларга қарз беришни чеклашлари ёки қарздорлар гуруҳига катта миқдорда кредит беришга йўл қўймасликлари керак.

Банк кредит портфелининг шаклланиши нафақат кредит фаолиятнинг ўзига хос тамойилларига асосан, балки ўз хусусиятларига ҳам эга.

Иккинчи гуруҳ, кредит портфелини шакллантиришда алоҳида кредитлаш объектлари ва турлари бўйича кредит маблағлари ажратилади. Танлов, одатда, қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиги асосида амалга оширилади. Лекин Ҳукумат томонидан маблағ ажратилгандан сўнг кўп ҳолларда янги ташкил қилиниб ҳали даромадга чиқмаган хўжаликларга ҳам кредитлар бериляпти. Шу ҳолда кредитлаш объектларини кўриб чиқишда умумий ёндашув қарздорнинг фаолият соҳасини баҳолашни, яъни маблағ сарфланиши кутиладиган соҳада пул айланишининг ҳолати, бериладиган пул маблағларидан мақсадли фойдаланишни таҳлил қилишни, кредит турини танлашни ва кредит битимининг рискларини аниқлашни ўз ичига олади. Бунда кредитлаш объектларини олдиндан танлашга имкон берадиган омилларни аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Бундай омиллар сифатида қуйидаги жадвалда келтирилган омилларни кўриб чиқишни таклиф қиламиз.

Ҳукумат томонидан маблағ ажратилиб, кенг бунёдкорлик тадбирларига кредит ажратилаётган ҳолатда банк мижозининг молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларини ўрганишга қаратилган қарз олувчининг кредит лаёқатлилигини таҳлил қилишга анъанавий ёндашувлардан фарқли ўлароқ, биз хўжалик юритувчи субъектда маркетинг ва бошқарув даражасини таҳлил қилиш билан тўлдириш керак деб ҳисоблаймиз.

**1-жадвал Кредит аризаларини танлашга таъсир қилувчи омиллар<sup>1</sup>**

<b>Ташқи омиллар</b>	<b>Мижозлар билан боғлиқ омиллар</b>	<b>Банк ички омиллари</b>
----------------------	--------------------------------------	---------------------------

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилди

Мамлакат ва худуддаги устувор соҳалар	Молиялаштирилган лойиҳанинг ўз вақтида амалга ошира олмаслиги ва самарадорликнинг таъминланмаслиги	Банкнинг кредит сиёсати билан кредитлаш объектининг мувофиқлиги
Мижоз фаолият юритаётган тармоқ ва соҳаларнинг ҳолати	Корхонада бошқарув ва маркетинг даражаси	Банк кредит ресурслари таркибида зарур кредит кўйилмаларинг ҳажми
Тармоқ ва соҳанинг рақобатбардошлиги	Мижознинг тўловга лаёқатлилиқ даражаси	Асосий қарз ва фоизнинг қайтарилиши муддатлари

Қарз олувчиларнинг молиявий кўрсаткичларидан фарқли ўлароқ, бошқарув ва маркетинг даражаси қарз олувчиларнинг лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш ва қарз маблағларининг етарли миқдорда бўлишини таъминлаш каби муҳим масалаларни аниқроқ кўрсатади. Бозорни ёмон таҳлил қилиниши, истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари, маҳсулот ёки хизматларни сотиш истиқболлари ва бозорда корxonанинг позицияси қарздорларнинг рақобатбардошлигини сезиларли даражада камайтиради. Шу билан бирга банк ҳар бир мижозга индивидуал ёндашув билан унинг фаолиятини ўрганиб чиқиш керак.

Учинчи гуруҳ - кредит портфелининг ҳолати ва бошқарилишини таҳлил қилиш билан боғлиқ. Бу ҳолат кредит портфелини мониторинг қилиш билан бир хил бўлади. Яъни кредит берилиб уни қайтаришгача маълум муддатли даврнинг устуворлиги, кредит портфели сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга асос бўлади.

Кредит портфелининг таҳлили, қоида тариқасида, кредитлар, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича, муддати, кредит rischi даражаси, фоиз ставкалари бўйича, кредитларнинг таъминланганлиги, кредитларни қайтариш ва бошқалар бўйича олиб борилади. Бундай мониторинг портфелнинг жами riskини, кредитлар бўйича эҳтимолий зарарлар учун ажратилган захираларнинг миқдорини, кредит портфелининг банкнинг кредит сиёсати мақсадлари ва стратегиясига мувофиқлигини таъминлашга имкон беради. Ўрта муддатли давр мониторинги портфель сифатини ва таркибини ўзгартирувчи омилларни аниқлаш имконини беради.

Кредит портфели ҳолатида бугунги амалиётда кўп учрайдиган, кредит сиёсатида белгиланган мақсад ва меъёрдан четга чиқишга рухсат берилган ҳолатларда мавжуд бўлган четланишларни ва уларнинг сабабларини аниқлаш керак. Ушбу маълумотларга асосланиб, уларни ўрта муддатда бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва келгусида уларни бартараф этиш йўллари аниқлаш лозим. Юқорида тавсифланган кредит портфели шакллантирувчи блоклар доирасида кредит портфелини шакллантириш моделини батафсил, босқичма-босқич кўриб қуйида айтилганларни схематик кўринишда келтирамиз.

Кредит портфелини шакллантириш модели:


1. босқич - кредит сиёсатида кредитларнинг асосий таснифлаш гуруҳлари, лимитлари ва риск меъёрларини аниқлаш;
2. босқич - олдиндан берилган кредитларни ушбу гуруҳларга киритиш;
3. босқич - ҳар бир янги берилган кредитни ҳисобга олган ҳолда портфелнинг тузилишини аниқлаш;
4. босқич - кредит портфелининг умумий рискин баҳолаш ва маълум бир объектга кредит бериш имкониятини аниқлаш;
5. босқич - кредит портфелининг банк кредит сиёсатига мувофиқлигини аниқлаш;
6. босқич - берилган ҳар бир кредит учун яратилиши керак бўлган захиралар миқдорини аниқлаш;
7. босқич - портфелнинг умумий рискига мос келадиган захиранинг умумий миқдорини аниқлаш;
8. босқич - портфелнинг таркиби ва сифатини ўзгартирувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
9. босқич - бутун кредит портфели сифатини аниқлаш;
10. босқич - кредит портфели сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
11. босқич - қўйилган мақсадга қараб кредит портфели мониторингини олиб бориш;
12. босқич - ўз муддатида сўндирилмайдиган кредитларни, уларни қайтмаслик сабабларини, қайтариш чора-тадбирларини аниқлаш;
13. босқич - давлат ҳисобидан берилган кредитларни самарадорлиги-яратилган янги ишчи ўринлари ва ялпи ички маҳсулот яратилишидаги

ҳиссасини аниқлаш;

14. босқич - ҳар ҳисобот санаси олдидан кредит портфелини инвентаризация қилиш, қолган қолдиқни самарали ишлатиб ўз вақтида қайтишини таъминлаш чораларини кўриш.

Кредит портфелини шакллантириш моделини ушбу босқичларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги расмда ифодаласак бўлади. (1-расм)

Банк томонидан ҳар бир кредитни бериш олдин кредитлаш объектининг кредит сиёсатига мувофиқлиги ва мижознинг кредит лаёқатлилигини баҳолаш билан амалга оширилиши керак. Мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш унинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш билан чекланмаслиги керак, унинг бошқаруви ва маркетингини ҳамда бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш кредит ва фоизларни ўз вақтида тўлаш кафолати ҳисобланади. Кредит портфелининг сифати нафақат унинг структураси, балки биринчи навбатда кредит сиёсатининг стратегик мақсадларига мувофиқлиги билан белгиланади.



### 1-расм. Тижорат банки кредит портфелини шакллантириш модели<sup>2</sup>

Бундан ташқари, кредит портфелининг ҳолати банкнинг кредит операциялари натижаларини олдиндан белгилаб беради, шунинг учун доимо мониторинг ўтказилиши ва қўйилган мақсадлардан четга чиқишларни аниқлаш ва келажакда уларни ўрта муддатда олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга мониторинг кредит сиёсатининг камчиликлар мавжудлигини кўрсатади ва уни қайта кўриб чиқиш зарурлигига олиб келади. Бундай ҳолда, банк раҳбарияти муаммоли кредитни эрта аниқлашни ўрганиши керак бўлади.

Банк кредит портфелининг моҳияти ва турларини кўрсатган ҳолда унинг шакллантирилишини ташкил этиш учун бажарилиши зарур бўлган учта босқичдан иборат вазифаларни кетма-кетлигини схематик тарзда келтирилдики уларнинг самарали ташкил этилиши портфелни бошқаришнинг назарий асосларини ўрганилишига боғлиқ.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон-2030» Стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонуни 2011 йил 4 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2000 йил 21 март.
4. «Асакабанк» АТ нинг кредит сиёсати

---

<sup>2</sup> Манба: муаллиф томонидан тузилди